

АЛИМОВ Хўжагелди Мустафоевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
доценти, психология фанлари номзоди

ТАСАВВУФ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДАГИ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИИ СУФИЗМА КАК НАУКИ

PROBLEMS OF THE PSYCHOLOGY OF SUFISM AS A SCIENCE

Аннотация: Ушбу мақолада тасаввуф психологиясининг асосий масалалари, уларнинг тўртта йўналишга бўлиниши, ҳар бир йўналишга тааллуқли психологик муаммолар ҳақида сўз боради. Тўртта йўналишга қуйидагилар киради: тасаввуфнинг психологик назарияси, тасаввуф амалиётининг психологик жиҳатлари (психотехника), тасаввуфнинг психофизиологик асослари, тасаввуф жамоалари ижтимоий психологияси. Мазкур масалалар замирида Тасаввуф психологиясининг муаммолари шаклланади. Айтиш жоизки, шундай масалалар психологиянинг бошқа тармоқлари бўйича ҳам кузатилади.

Таянч сўзлар: тасаввуф психологиясининг асосий масалалари, тасаввуфнинг психологик назарияси, тасаввуф амалиётининг психологик жиҳатлари (психотехника), тасаввуфнинг психофизиологик асослари, тасаввуф жамоалари ижтимоий психологияси.

Аннотация: В данной статье рассматриваются основные вопросы психологии суфизма, их деление на четыре направления и психологические проблемы, связанные с каждым направлением. К четырем направлениям относятся: психологическая теория суфизма, психологические аспекты суфийской практики (психотехника), психофизиологические основы суфизма, социальная психология суфийских общин.

В основе этих вопросов лежат проблемы психологии суфизма. Следует сказать, что подобные проблемы наблюдаются и в других отраслях психологии.

Ключевые слова: основные вопросы психологии суфизма, психологическая теория суфизма, психологические аспекты суфийской практики (психотехника), психофизиологические основы суфизма, социальная психология суфийских общин.

Annotation: This article discusses the main issues of the psychology of Sufism, their division into four directions and the psychological problems associated with each direction. The four areas include: the psychological theory of Sufism, the psychological aspects of Sufi practice (psychotechnics), the psychophysiological foundations of Sufism, and the social psychology of Sufi communities. At the heart of these questions lie the problems of the psychology of Sufism. It should be said that similar problems are observed in other branches of psychology.

Keywords: main questions of psychology of Sufism, psychological theory of Sufism, psychological aspects of Sufi practice (psychotechnics), psychophysiological foundations of Sufism, social psychology of Sufi communities.

КИРИШ

Тасаввуф психологиясининг асосий масалалари тўртта кутбни қамраб олади: “тасаввуфнинг психологик назарияси, тасаввуф амалиётининг психологик жиҳатлари (психотехника), тасаввуфнинг психофизиологик асослари, тасаввуф жамоалари ижтимоий психологияси” [4.510]. Мазкур масалалар замирида Тасаввуф психологиясининг муаммолари шаклланади. Айтиш жоизки, шундай масалалар психологиянинг бошқа тармоқлари бўйича ҳам кузатилади. Масалан, тиббий психология бўйича даволаш нуқтаи назаридан турли хил руҳий касалликлар билан Тасаввуф психологияси ўртасида алоқа мавжуд ва у муаммо сифатида бугунги кунда кенг қўламда ўрганилмоқда. Психологик маслаҳат, психологик консультация масалалари ҳам шу йўналишда тадқиқ қилинади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Асосий тўртта кутбнинг ҳар бири ҳам ўзига яраша психологик муаммоларни кўтариб чиқади [4]. Биринчиси Фаолият психологияси билан боғлиқ муаммолар. Буларга, масалан, тасаввуф аҳлининг меҳнат психологияси киради. Бу иккита жиҳат билан характерланади. Биринчиси, тасаввуф аҳли учун ризқнинг ҳалоллиги, одамларнинг қўлига қараб қолмаслик тамойили муҳим ҳисобланади. Шунинг учун улар ўзлари бирорта касб билан шуғилланиб ҳаёт кечирганлар. Ҳалоллик ва одамларнинг қўлига қараб қолмаслик психологияси муаммоси, бундай яшашга ирода топиш масаласи психологик муаммолардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, тасаввуф аҳлининг маънавий меҳнати ҳам бу ўринда назарда тutilади. Маънавий меҳнат натижасида қўлга киритиладиган маҳсулотларга кашф, завқ-шавқ, ишқ, хотиржамлик сингари руҳоний кечинмалар киради. Булар ҳам ўзининг психологик шарҳини талаб қилади.

Хулқ-атвор психологияси ҳам тасаввуф психологиясининг марказий масалаларидандир. Тасаввуф асосан инсоннинг хулқ-атвори билан ишлайди. Тасаввуф амалиётининг асосида ҳам амаллар психологияси ётади. Амалларни бажаришда мотивация ва ироданинг ўрни масаласи бу йўналишдаги муаммоларнинг муҳимларидан ҳисобланади [1].

Тасаввуфнинг билиш назарияси ҳам тасаввуфнинг марказий масалаларидан ҳисобланади. Маълумки, ҳиссий билимларнинг маърифатга айланишида инсон тасаввуфий ҳолатларни бошидан кечирилади. Бунда эътиқод деб аталган психологик категориянинг ўрни масаласи ҳам тадқиқот учун муҳимдир [2].

Муомала психологиясида солиқнинг ўз нафси билан кечадиган муомаласи назарда тutilади. “Инсоний муомала механизмларининг нафс билан кечадиган муомалада ҳам ишлашлигини назарда тутган ҳолда, қиёс ёрдамида нафс билан кечадиган муомаланинг моҳиятига кириб бориш мумкин бўлади” [2.76]. Бу муаммо ҳам ўрганилмаган муаммолардан бири ҳисобланади.

Умуман, Фаолият психологияси тасаввуфий фаолият нуқтаи назаридан талқин қилинганда

солиқ фаолиятининг эҳтиёжлари, мотивацияси (ишқ), мақсадлари, мақсадларга интилишдаги ирода кучи сингари масалаларни ўз ичга қамраб олади.

Тасаввуф психологиясидаги дифференциал психологик муаммолар гуруҳига психологик типология билан боғлиқ бўлган муаммоларни киритиш мумкин бўлади. Маълумки, типология деганда маълум психологик белгиларга кўра муршидларни ва муридларни тоифалаштириш назарда тutilади. “Муршидларни типлаштиришда иккита йўналиш кузатилади: биринчиси, уларни сулук йўлининг спецификаси нуқтаи назаридан (тариқат йўлбошчилари бир биридан тариқат йўлининг ўзига хослиги билан фарқ қилади. Масалан, Хўжа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Нақшбанд ва х.к.), иккинчидан, уларнинг шахси нуқтаи назаридан (масалан, темпераменти, характери, шахсининг йўналганлиги ва х.к.) типлаштирилади” [4.518]. Типология психологик муаммо сифатида Тасаввуф психологиясидаги ҳали ўрганилмаган муаммолардан бири ҳисобланади. Муридларни психологик типлаштирилганда, масалан, қобилияти нуқтаи назаридан типлаштириш мумкин бўлади. Бунда қобилиятли ва қобилиятсиз муридлар, ихлосли ва ихлоссиз муридлар, илоҳий кашфларга эришган ва эришмаган муридларга бўлинади. Бу типология ҳам ҳали психологик тадқиқотларга муҳтож.

Тасаввуф психологиясида этник фарқлар билан боғлиқ бўлган муаммолар гуруҳи фарқланади. Бунда миллий хусусиятларнинг, жумладан миллий ўзини ўзи англаш даражасининг тасаввуф жараёнларига ўзига хос таъсири масаласи муаммо сифатида юзага чиқади [3]. Марказий Осиёдаги тасаввуф аҳли билан Шимолий Африкадаги тасаввуф аҳли ўртасидаги психологик фарқларни тадқиқ этиш ҳам келажакдаги ишларнинг бири сифатида талқин қилинади.

Ботил тариқатларнинг саҳиҳ тариқатлардан фарқи масаласи таълимот сифатида диншунослик фанида батафсил ўз аксини топган. Бироқ ботил тариқатлар намоёндалари билан саҳиҳ тариқатлар намоёндалари ўртасидаги психологик фарқлар ҳали тадқиқ қилинмаган. Бизнинг фикримизча, ботил

тариқатдаги кишилар кескин фикр юритиш, ригидлик, қайсарлик ва ҳ.к. психологик хусусиятларга эга бўлишади.

Ижтимоий психологик йўналишдаги мавжуд муаммолар гуруҳига шахслараро мулоқот психологияси билан боғлиқ муаммолар киради. Масалан, шахслараро муносабатлар иккита йўналишда амалга оширилади: биринчидан, вертикал йўналишда, яъни муршид ва муридлар ўртасидаги мулоқот йўналишида, иккинчидан, горизонтал йўналишда, яъни муршидлараро муносабат ва муридлараро муносабат йўналишларида. Бу иккита йўналишда ҳам шахслараро муносабатлар жараёнида установкалар, стереотиплар, фрустрация, роль ва ҳ.к. ларнинг ўрни масаласи ҳали ўрганилмаган.

Тариқат сайтлар психологияси гуруҳига кирувчи муаммолар бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сирасига киради. Маълумки, замонавий тариқатлар ўзларининг ижтимоий тармоқларига эга. Улар ўз тариқатларининг назарий ва амалий жиҳатларини оммавий ҳолда тарқатишмоқдалар. Бу ўринда иккита муаммо айниқса долзарб ҳисобланади: биринчиси, тариқатлар сайтларида тарқатилаётган маълумотларини муршидларсиз тушуниш (декодлаштириш) деб аталган психологик муаммоси, иккинчиси, уларни идрок этишда муридларнинг тажибасининг таъсири муаммоси.

Сўфий шахси билан боғлиқ бўлган муаммолар гуруҳига, масалан, сўфий шахси шаклланишида жамиятнинг таъсири, унинг психологик сифатларининг ривожланишидаги ўрни сингари масалалар киради. “Сўфий шахсига хос бўлган иккита “мен”, яъни асл “мен” билан “ижтимоий “мен”и ўртасидаги муносабатлар, бу иккита “мен”ни яхлит қилишнинг (Румийнинг “ё кўринганингдек бўл, ё бўлганингдек кўрин” талаби) психологик механизмлари ҳали тўлиқ тадқиқ қилинмаган” [4.508].

Тасаввуф психологияси тарихига тааллуқли бўлган муаммолар гуруҳига қуйидаги муаммолар кириши мумкин: тасаввуфнинг таълимот ва амалиёт сифатидаги тарихи диншуносликда батафсил ёритилган.

Масаланинг психологик жиҳати шундаки, тасаввуф психологик категория сифатида муршидларнинг руҳий-маънавий оламида қандай тараққиётни ўз бошидан кечирганлиги масаласи тадқиқ қилинмаган.

Тасаввуфнинг Ривожланиш психологияси онтогенез психологияси нуқтаи назаридан туриб талқин қилинганда пайдо бўладиган муаммолар гуруҳига қуйидагилар кириши мумкин: ҳар бир тариқат пайдо бўлиши ва ривожланишининг специфик йўли мавжуд. Сулук йўлидаги бу ҳолат ҳоллар ва манзиллар йўли ҳисобланади. Бир тариқатдаги йўл иккинчисидан нима биландир фарқ қилади. Бу йўл психологик бўлгани сабабли унинг ривожланиши қонуниятларини тадқиқ қилиш тасаввуф психологиясининг долзарб масалалардан биридир.

Тариқатларнинг қиёсий психологиясига тааллуқли бўлган муаммолар гуруҳига, масалан, ҳар бир тариқатга хос бўлган ҳоллар ва манзиллар ўзаро қиёсан ўрганилишини киритиш мумкин. Бу йўналишда ҳали бирорта ҳам жиддий экспериментлар ўтказилмаган. Тариқат муршидлари психологик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиниши ҳам тасаввуф психологиясининг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ривожланишнинг психологик муаммолари сирасига тариқатларнинг силсилалардаги ривожлантирилиши муаммосини киритиш мумкин. Дарҳақиқат, тариқат силсиласида ҳар бир муршид тариқат назарияси ва амалиётига ўзининг қандайдир янгилигини киритади. Мана шу “қандайдир” унинг ўзига хослигини белгилайди. Мазкур йўналишда ҳам ҳали жиддий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тасаввуфнинг ривожланиш психологияси Филогенез психологияси нуқтаи назаридан туриб талқин қилинганда пайдо бўладиган муаммолар гуруҳига қуйидагиларни киритиш мумкин: тасаввуф таълимоти ва амалиётининг пайдо бўлишидан то бугунги кунгача бўлган давригача босиб ўтилган йўлида руҳий тарбиянинг тараққиёти масаласи ва бунда турли хил йўналишлар пайдо бўлишининг психологик босқичлари муаммоси, тасаввуф ҳоллари билан буддизмдаги, христианликдаги, каббаладаги

ва ҳ.к. ҳоллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш масаласи ва ҳ.к.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Тасаввуф психологиясининг илмий муаммоларини тўртта йўналишда тасвирлаш мумкин: муршид шахсига алоқадор муаммолар, мурид шахсига алоқадор муаммолар, муршид – мурид муносабатларига алоқадор муаммолар ва ниҳоят тариқатга кирган кишилар жамоаси ўртасидаги алоқаларга тааллуқли бўлган муаммолар.

Муршид шахсига тааллуқли муаммоларга муршиднинг руҳиятида кечадиган бир қанча масалалар, масалан, қалбида кечаётган турли туман кашфларни сир сақлаш масаласи (айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Мансур Халлож ҳодисаси сирнинг аён бўлиши билан боғлиқ ҳолда кечган масала эди), муршидларда кечадиган каромат масалалари ва ҳ.к.

Мурид шахсига тааллуқли масалаларга, масалан, муриднинг тасаввуф қоидаларини ўзлаштириш жараёнига унинг индивидуал психологик хусусиятларининг таъсири масаласи, муриднинг ўз нафсини тарбиялаш жараёнида ихлос деб аталган психологик ҳолатнинг ўрни масаласи, муриднинг тариқат йўлларида юрганида қалбида кечадиган ҳоллар ва мақомларнинг психологик жиҳатлари ва ҳ.к. киради [2].

Муршид – мурид муносабатларига алоқадор муаммоларга муридларга таълим-тарбия беришда психологик усуллардан фойдаланиш масаласи, шахсий намунанинг психологик таъсири масаласи, муршиднинг муридни ғайбий йўллар билан тарбиялаши масалалари ва ҳ.к. киради.

ХУЛОСА

Тариқатга кирган кишилар жамоаси ўртасидаги алоқаларга тааллуқли бўлган муаммолар, масалан, биродарлик психологиясини, жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларининг психологик механизмлари масалаларини, жамоадаги муршиднинг лидерлик хусусиятлари муаммосини ва ҳ.к. ларни ўз ичига қамраб олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Большой психологический словарь. – СПб. Прайм – ЕВРОЗНАК, 2004. – С. 672 б.
2. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.2: Пер. с франц. – М.: Мир, 1992. – 376 с.
3. Моцумото Д. Психология и культура. – СПб:прайм – ЕВРОЗНАК, 2002. – 416 с.
4. Фрейджер Р., Фейдимен Д. Большая книга психологии. Теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен / Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008 – С. 704.